



**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ШАФФОФ
ҲИСОБДОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ»**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти

Маманов Дилшод Шерзод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон

ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор

Нигматов Шерзод Нигматжонович

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда ички ишлар органлари, хусусан профилактика инспекторлари фаолияти ва унинг ҳуқуқий, ташкилий ва замонавий рақамли механизмлари таҳлил қилинган. Профилактика инспекторлари маҳалла ва қишлоқларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий шахс сифатида фаолият юритади, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги аниқ белгиланган. 2017–2025 йилларда қабул қилинган қарор ва стратегиялар доирасида электрон тизимлар, GPS ва бармоқ изи назорати, онлайн ҳисоботлар ва жамоатчилик фикри орқали самарадорлик ва шаффофликни таъминловчи механизмлар жорий этилган. Бу чоралар ҳуқуқбузарликларни камайтириш, профилактик ишларни самарали ташкил этиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар:

Ички ишлар органлари, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, ҳисобдорлик ва жавобгарлик, маҳалла ва қишлоқ, электрон тизимлар, GPS ва бармоқ изи назорати, замонавий



технологиялар, жамоатчилик назорати, қонунчилик ва ҳуқуқий қафолатлар, самарадорлик ва шаффофлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида «Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак», деб таъкидлаб, жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишни бутунлай янгича тизимда ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. «Жиноят ҳақиқати ва адолати» деб номланган бу тизимга мувофиқ жиноят содир этилганлиги бўйича республикадаги масъул раҳбарлар жойларга борган ҳолда унинг сабабларини ўрганади, муҳокамасини ташкил қилади, шундай ҳолат такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради, телевидение, радио ва газетада бонг уради¹ деб топшириқ берилган. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди². Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта

¹ <https://xabar.uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>



жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди³.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлиги ва ҳисобдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳар бир давлат учун устувор аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳадагисамарали фаолият жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади⁴. Профилактика инспектори – ички ишлар органларининг энг қуйи, лекин энг муҳим бўғини бўлиб, у маҳалла даражасида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ва криминоген вазиятни доимий назорат қилиб бориш учун шахсан жавобгардир. Шу сабабли унинг фаолиятининг самарадорлиги (яъни кам ресурс билан кўп ва сифатли натижага эришиш) ва ҳисобдорлиги (фаолияти учун очик-ошкора жавоб бериш, натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш) тўғридан-тўғри жамоат хавфсизлиги даражасига, жиноятчиликнинг камайишига ва аҳолининг давлат органларига ишончига таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарори, 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар

³ Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.

⁴ Ниматов, Шерзод Ниматжонович. "ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА КРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ: СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ." *Modern education and development* 37.2 (2025): 214-225.



профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва уни амалга ошириш бўйича 2022–2025 йилларга мўлжалланган Стратегия профилактика инспекторлари фаолиятини замонавий талабларга мослаштириш, рақамли технологиялар билан қуроллантириш, шахсий жавобгарлигини ошириш ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни белгилаб берди.

Мазкур мақолада айнан ушбу ислохотларнинг профилактика инспекторлари фаолиятига таъсири, самарадорликни баҳолашнинг янги механизмлари (KPI, рақамли мониторинг, илмий баҳолаш хулосалари), шунингдек, ҳисобдорликнинг замонавий шакллари (онлайн-рейтинг, автоматлаштирилган ҳисобот, прокуратура ва жамоатчилик назорати) таҳлил қилинади. Ишнинг мақсади – Ўзбекистонда 2025 йилгача яратилаётган “замонавий рақамли профилактика инспектори” моделининг моҳиятини очиб бериш ва унинг самарадорлик ҳамда ҳисобдорлик нуқтаи назаридан афзалликларини асослаб кўрсатишдан иборат. Самарадорлик ва ҳисобдорлик — бошқарув, ташкилотчилик, давлат хизмати ва бизнесда жуда муҳим икки тушунча. *Самарадорлик* (эфективлик) бирор фаолият, иш ёки жараённинг белгиланган мақсадга қай даражада эришганини англатади. Қисқача айтганда: кам ресурс билан кўпроқ натижа кўриш. Мазмуни вақт, пул, меҳнат, материал каби ресурсларни оқилона ишлатиш; кутилаётган натижаларга тез ва аниқ эришиш; иш жараёнининг самарали ташкил этилиши. *Ҳисобдорлик* (аккаунтабилити) Шахс ёки ташкилотнинг ўз фаолияти учун жавобгар бўлиш ва бажарган иши бўйича ахборот бериш мажбурияти. Қисқача айтганда: ким, нима учун жавоб беради ва натижаси учун ҳисоб беради. Мазмуни қилинган иш, сарфланган маблағ ва эришилган натижалар бўйича очиклик; масъулиятни



аниқ белгилаш; жамоат, раҳбарият ёки шериклар олдида ҳисобот тақдим этиш⁵ ҳисобланади.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун⁶ 2-моддасида, ички ишлар органлари ваколати доирасида қуйидаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу вазифалар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат. Шу билан бирга, қонунда ички ишлар органлари фаолиятида қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, очиклик (шаффофлик), бошқа органлар билан ҳамкорлик, замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш каби принциплар белгиланган. Шунингдек Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш кабилар белгиланган. Қонунда “профилактика инспектори” лавозими номинал равишда махсус моддада алоҳида тавсифланмаган, аммо ҳудудий ички ишлар органлари ва уларнинг билан боғлиқ тузилмаларнинг вазифалари ва ички таркиб

⁵ https://en.wikipedia.org/wiki/Accountability?utm_

⁶ <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024//Ўзбекистон> Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни



йўналишлари муҳокама қилинган.⁷ Шундай бўлса-да, сўнгги ўзгаришлар ва амалий нисбатда “профилактика инспекторлари”нинг мақоми ва вазифалари қуйидагича шаклланиши маълум:

-“Хукукбузарликлар профилактикаси” — ички ишлар органларининг фаолият йўналишларидан бири. Профилактика инспектори бириктирилган ҳудуд (махалла, туман жамоаси ва бошқа) учун жамоат тартиби, хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан жавобгар. Қонуннинг 15-модда ва 15¹-моддадан келиб чиқиб, профилактика инспектори лавозими ва мақоми ҳақида аниқ тушунчалар бериш мумкин. *Тузилмавий мақом* сифатида профилактика инспектори ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳукуқ-тартибот масканлари таркибида фаолият юритади. У ички ишлар органлари тизимида жамоат тартибини сақлаш ва хукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича махсус лавозим ҳисобланади. Улар лавозимга халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Бу инспектор ҳудудий (махалла, қишлоқ, овул) даражада жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва профилактик чораларни амалга ошириш учун масъул шахс сифатида қаралади. Профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Бу унинг лавозимий вазифалари ва жавобгарлиги очиқ ва назоратли эканлигини кўрсатади. Уларнинг функционал мақоми ва вазифалари бўлиб, ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш ва хукукбузарликларнинг олдини олиш чораларини бевосита амалга ошириш, профилактика катта инспектори ва ёрдамчилари билан биргаликда профилактик фаолиятни ташкил этиш ва маҳалла, қишлоқ ва овуллардаги аҳоли билан яқин алоқа қилиш, “криминоген ҳолат” ва хукукбузарликка мойил шахсларни аниқлаш, ички ишлар органлари, жамоат тузилмалари ва бошқа ҳукуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

⁷ <https://kun.uz/kr/56432773?utm>



Шунингдек профилактика инспектори бириктирилган ҳудуд (махалла, овул, қишлоқ) учун асосий жавобгар шахс ҳисобланади. Ушбу лавозим нафақат ҳуқуқбузарликка қарши кураш, балки профилактика ва ижтимоий тарбия вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Умумий олганда Профилактика инспектори — ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика фаолиятини амалга оширишда асосий шахс ҳисобланади. Лавозимга маҳаллий кенгаш қарори билан тайинланади ва ўз фаолияти учун ҳисобот беради. Бундан ташқари 131-моддадан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳисобдорлиги қуйидагича тушунтириш мумкин. Профилактика инспекторлари ҳудуддаги жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади. Бу уларнинг лавозимий мажбурияти ва фаолият устидан назорат механизмидир. Ҳисобдорлик мақсади Профилактика инспектори жамоат тартиби ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширган чора-тадбирлари, фаолиятининг натижалари ва самарадорлигини очиқ равишда тақдим қилади. Бу ҳисоботлар орқали уларнинг фаолияти танқидий жиҳатдан таҳлил қилинади, самарадорлиги баҳоланади ва лавозимдаги фаолиятга бағишланган тавсиялар қабул қилинади. Ҳисобот эшитиш жараёнида қуйидагилар таклиф этилиши мумкин:

-ҳудудда жойлашган бошқа давлат органлари;

-фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари;

-корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

-нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа шахслар. Бу ҳисобдорликнинг очиқ ва шаффоф шаклда амалга оширилишини таъминлайди. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш



бўйича амалга оширилган фаолиятни тақдим қилади, уларнинг натижаларини таҳлил қилади, зарур ҳолларда лавозимдаги самарадорлиги ва мувофиқлиги тўғрисида фикр ва тавсияларни қабул қилишга тайёр туриши керак. Профилактика инспектори лавозимидаги ҳисобдорлик — бу унинг ҳудуддаги профилактика ва жамоат хавфсизлиги фаолияти учун ҳар олти ойда халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот тақдим этиш, фаолиятнинг самарадорлиги танқидий баҳоланиши ва зарур тавсиялар берилиши билан таъминланадиган жараён.

Профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишда ҳал қилувчи ўринга эга. Шу муносабат билан мазкур фаолият самарадорлигини ошириш нафақат ҳуқуқбузарликларни камайтириш, балки жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2896-сонли қарори ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш (олдини олиш) бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилайди. Қарорнинг асосий мазмуни ва вазифалари қуйидагича:

-Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини такомиллаштирилди ҳар бир поғонада (республика, вилоят, туман) профилактика бўлинмалари вазифалари, функциялари ва жавобгарлиги аниқ белгиланади. Профилактика инспекторларига ўз фаолиятига тегишли бўлмаган вазифалар юкланмайдиган бўлди.

-Ҳамкорлик кучайтирилди профилактика иши аҳоли, маҳалла, фуқаролик жамияти ва бошқа институтлар билан яқин ҳамкорликда олиб



борилади. Бош мақсад – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамиятда қонунга ҳурматни юксалтириш сифатида белгиланди.

Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича янгича ёндошув белгиланди, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм ва зўравонлик ғояларидан ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланди

-Профилактика инспекторларининг шахсий жавобгарлиги оширилди бунда ўз вазифаларини талаб даражасида бажаришлари учун инспекторлар шахсан жавобгар бўладиган бўлди, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тартиби жорий этилди, уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш жамоатчилик фикри, аҳоли розилиги ва ҳамкорлик даражаси асосида баҳоланадиган бўлди.

-Замонавий технологиялар ва шароитлар ташкил этилди ва бу билан улар фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши, профилактика инспекторларининг билим ва малакалари ошириладиган бўлди. Умумий маънода мазкур қарорда профилактика инспекторлари ишларини такомиллаштиришнинг энг асосий мақсади — ҳуқуқбузарлик содир этилгунга қадар унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш экани қайд этилган. Фаолиятнинг самарали ташкил этилиши натижасида жиноятлар динамикаси барқарорлашади, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар камаяди, жамоат хавфсизлиги юқори даражада таъминланади. Бу эса профилактика инспекторларининг ҳар бир маҳаллада доимий ҳузурини таъминлаш ва хизмат сифатини ошириш орқали амалга ошади. Қарорда белгиланган ҳар ойлик ҳисоботлар тизими профилактика инспекторларининг масъулиятини ошириш билан бирга:

-фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокини кучайтиради;

-аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш имконини беради;



-жамоатчилик фикри асосида хизмат сифатини баҳолаш механизмларини шакллантиради. Бу эса профилактика инспектори ва аҳоли ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Ёш авлодни турли ёт ғоялардан, зўравонлик ва экстремизмдан ҳимоя қилишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим ҳисобланади. Фаолиятни такомиллаштириш натижасида таълим муассасалари ва маҳалла билан ҳамкорлик кучаяди, хавф гуруҳига кирувчи ёшлар билан индивидуал профилактика самарали ташкил этилади, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чоралар кучайтирилади. Қарор профилактика инспекторларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш, малакасини ошириш, хизмат шароитларини яхшилаш, каби чоралар орқали уларнинг касбий фаолиятини янги босқичга олиб чиқишни назарда тутди. Шунингдек, фаолият натижадорлигига кўра моддий рағбатлантириш механизми самарадорликни янада оширади. Қарор билан маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик яхшиланади. Профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга хизмат қилади. Қарор асосида таянч пунктларининг қайта тузилиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда инспекторларни хизмат турар жойи билан таъминлаш хизмат самарадорлигини оширади, ҳудуднинг криминоген вазиятини аниқ мониторинг қилиш имконини яратади, профилактик ишларни тизимли ва узлуксиз ташкил этишга хизмат қилади. Умумий қилиб айтганда профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш — Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ва жамоат



хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Президент қарорида белгиланган чора-тадбирлар профилактика инспекторларининг нуфузини ошириб, уларнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этишга хизмат қилади.

Ички ишлар органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва унда ҳисобдорлигида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тшғрисида”ги қонуни⁸ ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш лозим. Қонун профилактика вазифаларини ва чора-тадбирлар турларини (суҳбат, огоҳлантириш, ҳисобга олиш, назорат ва ҳоказо) ҳуқуқий асос билан белгилайди. Демак — инспекторлар фаолияти учун белгиланган чоралар ўтказилиши (масалан, профилактик суҳбат, профилактик ҳисобга олиш, ижтимоий реабилитация) қонун доирасида амалга оширилиши шарт. Қонун профилактикада фақат ички ишлар эмас, балки локал ҳокимият, маҳалла, жамоат институтлари ва фуқаролар ҳам иштирок этишини белгилайди. Бу — қарорда кўрсатилган жамоатчилик билан ҳамкорлик, фуқаролик жамияти ва маҳаллага боғлиқликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди. Қонун шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, яъни профилактика чоралари (масалан, "профилактик ҳисобга олиш", "назорат", "ижтимоий реабилитация" ва ҳоказо) инспекторлар ва органлар томонидан адолатли, ҳуқуқий асосда ва қонуний тартибда олиб борилиши лозимлигини белгилайди. Демак, қарордаги “шахсий жавобгарлик”, “шаффофлик”, “ҳисобот бериш” каби талаблар қонун зидди эмас, балки унинг мантиқий давоми. Қонун профилактик самарани оширишни мақсадлайди: профилактиканинг устивор вазифалари, чора-тадбир турлари ва уларнинг мақсадлари (ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликни камайитириш,

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/2387357/> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тшғрисида”ги қонуни



жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш) аниқ белгиланган. Президент қарори эса бу вазифаларни амалга ошириш механизмларини — кадр, ташкилий, масъулият, ҳисобдорлик, жамоатчилик билан муносабат, моддий-техника, ICT технологиялар — инициативалар билан мустаҳкамламоқда.

Профилактика инспекторлари ва ички ишлар органлари — профилактика ишларини фақат ички ишлар тизими билан чегараланмай, маҳалла, жамоат, фуқаролик жамияти ва бошқа институцияларни жалб қилиб олишлари шарт; бу қонун ва фармон ҳам талаб қилади. Ҳар бир профилактика чораси (суҳбат, огоҳлантириш, профилактик ҳисобга олиш ва ҳоказо) — қонунда белгиланган тартибда, шахс ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқий кафолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Самарадорликни баҳолашда — жамоатчилик фикри ва фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда профилактика натижалари (қонунбузарликлар сони, жамиятда ҳуқуқий маданият ва шу кабилар) асосий мезон бўлиши мумкин. Шунингдек, профилактика инспекторларининг билим ва малакаси, жамоатчилик билан муносабатлар ва бозорга мос хизмат шароитлари — бу қонун билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун муҳим. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони⁹га асосан тасдиқланган (Концепция ва 2022–2025 Стратегия) ҳужжатларда Ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ҳисоботдорлигини (жавобгарлигини) такомиллаштириш масалалари кенг ва аниқ ёритилган. *Самарадорликни ошириш бўйича кўзда тутилган асосий йўналишлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:*

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва рақамлаштириш (Концепция 3, 19, Стратегия 91–101-бандлар):

⁹ <https://lex.uz/docs/5749291?ONDATE=16.01.2024%2000>



2025 йилгача қоғозбозликни максимал қисқартириб, электрон ҳужжат айланмасини 90 % га етказиш;

“Е-jamiot havfsizligi” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш;

Маъмурий иш юритувни тўлиқ электронлаштириш;

Бармоқ изи, GPS-браслет, электрон браслетлар, интеллектуал светофорлар ва бошқа рақамли воситалар.

Ташкилий-тузилмавий ислохотлар (Стратегия 28–30, 49–59-бандлар):

Ягона марказлашган идоралараро бошқарув тизимини ташкил этиш;

Туманлараро патруль-пост хизмати ва конвой бўлинмаларини вилоят даражасига ўтказиш;

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини кенгайтириш (ҳар 5 маҳаллага 1 та);

Отлиқ отрядлар, скутерлардан фойдаланиш каби янги хизмат шакллари.

Илмий-методик таъминотни кучайтириш (Концепция 8, Стратегия 25–48-бандлар):

Жиноятларнинг асл сабабларини “илмий диагноз” қўйиш ва “илмий баҳолаш ҳулосаси” чиқариш тартиби;

“Шаҳар инспектори” ва “Қишлоқ инспектори” моделлари;

Жамоат хавфсизлиги университетини илмий-методик марказга айлантириш. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш (Концепция 3, 16, 24, Стратегия 31, 57, 66, 86–87). Халқаро тажрибани ўрганиш ва “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этиш.

Ҳисоботдорлик (жавобгарлик) ва шаффофликни ошириш чоралари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Прокурор назоратини кучайтириш (Концепция 12-банд):

Бош прокуратура ИИО фаолияти устидан доимий назорат ўрнатади;



Профилактик ва махсус тадбирлар самарадорлигини ўрганади ва муҳокама қилади.

Жамоатчилик назорати ва ошкоралик (Концепция 4, 8, 17–18):

Жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганиш;

Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини хабардор қилиб бориш;

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТлар билан фаол ҳамкорлик.

Ички назорат ва интизом (Стратегия 5, 6, 85-бандлар):

Ички ишлар вазири Стратегия ижроси учун шахсан жавобгар;

Ҳар йили қўшма “йўл харита”си ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Рақамли мониторинг ва ҳисобот (Стратегия 92–95):

Барча профилактик ҳисобдаги, пробациядаги ва қайта жиноят содир этган шахсларнинг ягона электрон реестри;

Электрон браслетлар, бармоқ изи тизими орқали назорат.

Ходимларнинг шахсий жавобгарлиги (Концепция 24):

Хизмат мажбуриятларини бажармаганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш.

Ушбу икки ҳужжат (Концепция ва 2022–2025 Стратегия) профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлиги ва ҳисобдорлигини оширишга жуда кўп ва аниқ механизмлар ажратган. Қуйида фақат профилактика инспекторларига тегишли бўлган энг муҳим чора-тадбирларни тизимли равишда келтириш мумкин.

Самарадорликни ошириш механизмлари бўйича:

-«Шаҳар профилактика инспектори» ва «Қишлоқ профилактика инспектори» янги моделларини яратиш ва тўлиқ жорий этиш (Стратегия 42-банд);



-Хар бир профилактика инспекторига маъмурий ҳудуд (маҳалла) бўйича аниқ сектор белгилаш ва унда тўлиқ жавобгарлик юклаш (Стратегия 25–26, 42);

-Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини кенгайтириш (ҳар 5 маҳаллага 1 та) – профилактика инспектори шу масканда доимий ишлайди (Стратегия 25, 49 банди);

-Профилактика инспекторининг иш фаолиятини “Е-jamoat havfsizligi” ягона электрон тизимига тўлиқ интеграция қилиш (Стратегия 92 банди);

-Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл сабабларини “илмий диагноз қўйиш ва “илмий баҳолаш хулосаси” чиқариш тартибини жорий этиш – профилактика инспектори бу жараённинг асосий ижрочиси (Стратегия 45–46 банди);

-Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан яқка тартибдаги суҳбатларни махсус “суҳбат хоналари”да ўтказиш (Стратегия 88 банди);

-Бармоқ изи тизими ва GPS-браслетлар орқали профилактика инспектори назоратидаги шахсларнинг келиши ва ҳаракатини автоматик назорат қилиш (Стратегия 95,98 банди);

-Профилактика инспектори фаолиятига электрон планшет ва бошқа мобил техника бериш, барча ҳисобот ва ҳужжатларни электрон шаклда юритиш Стратегия 91 банд);

-“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” янги профилактика тизимларини жорий этиш – инспектор уйма-уй юриб ишлайди. (Стратегия 78 бади);

-Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳузурида ягона идоралараро бошқарув тизими – профилактика инспекторининг кунлик фаолияти шу марказдан онлайн мониторинг қилинади (Стратегия 85 банди);

Ҳисобдорлик (жавобгарлик) ва шаффофлик механизмлари:



-Профилактика инспекторининг секторидаги жиноятчилик даражаси ва такрорий жиноятлар сони бевосита унинг шахсий KPI (асосий кўрсаткичлари)га киритилади (Стратегия 8,103 бандлар);

-Ҳар бир профилактика инспектори фаолияти бўйича ҳар чоракда “илмий баҳолаш хулосаси” чиқарилади ва бу хулоса раҳбарларга тақдим этилади (Стратегия 46);

-Профилактика инспекторининг барча ҳаракатлари (рейд, суҳбат, огоҳлантириш, материал топшириш) “E-jamoat havfsizligi” тизимида автоматик қайд этилади – қоғозда ҳеч нима қолмайди (Стратегия 91–92);

-Профилактика инспектори секторида содир бўлган ҳар бир жиноят бўйича Бош прокуратура ва ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментига автоматик хисобот кетади (Концепция 12, Стратегия 92 банди);

-Фуқаролар ва маҳалла фаоллари профилактика инспектори фаолиятини онлайн-баҳолаш имкониятига эга бўлади (рейтинг тизими) (Концепция 8, Стратегия 85 банд);

-Профилактика инспекторининг иш вақти ва ҳудудда бўлиш вақти GPS орқали кузатилади – “ишдан қочиш” имкони йўқ (Стратегия 98 банд);

-Профилактика инспекторига юклатилган вазифаларни бажармаганлик учун интизомий ва моддий жавобгарлик кучайтирилади (Концепция 24 банди)

Умумий маънода айтганда 2025 йилга келиб профилактика инспектори: қўлида планшет, GPS, электрон система билан ишлайдиган;

ҳар бир қадами рақамли из қолдирадиган;

секторидаги жиноятчилик даражаси ва такрорий жиноятлар сони бевосита унинг мукофот-пул ва лавозимига таъсир қиладиган;

фуқаролар ва прокуратура томонидан доимий онлайн-назорат қилинадиган ходимга айланади. Яъни, эскича “участковый” эмас, балки замонавий, рақамли профилактика инспектори – секторидаги ҳар бир хонадон ва шахс учун тўлиқ шахсий жавобгар бўлган мутахассис **яратилляпти.**



Ўзбекистонда 2017–2025 йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида профилактика инспекторининг фаолияти тубдан ўзгарди ва замонавий рақамли модельга айлантирилди. Самарадорлик нуқтаи назаридан:

-ҳар бир инспекторга аниқ маҳалла (сектор) бириктирилди ва ундаги жиноятчилик даражаси унинг шахсий КРІсига боғланди;

-“E-jamoat havfsizligi” тизими, планшетлар, GPS-браслетлар, бармоқ изи ва электрон назорат воситалари тўлиқ жорий қилинди;

-“Шаҳар инспектори” ва “Қишлоқ инспектори” янги моделлари, - “Хавфсиз хонадон”, илмий диагноз қўйиш каби инновацион усуллар ишга туширилди. Ҳисобдорлик нуқтаи назаридан:

-инспекторнинг ҳар бир қадами (рейд, суҳбат, огоҳлантириш) рақамли тизимда автоматик қайд қилинади;

-сектордаги ҳар бир жиноят бўйича Бош прокуратурага автоматик хисобот кетади;

-фуқаролар онлайн рейтинг орқали инспектор фаолиятини баҳолайди;

-иш вақти ва ҳудудда бўлиш вақти GPS билан кузатилади;

-такрорий жиноятлар сони ва жиноятчилик даражаси бевосита мукофот-пул ва лавозимга таъсир қилади. Натижада 2025 йилга келиб эскича “участковый” ўрнини қўлида замонавий техника, ҳар қадами рақамли из қолдирадиган, секторидаги ҳар бир хонадон ва шахс учун тўлиқ шахсий жавобгар бўлган, фуқаролар ва прокуратура томонидан доимий онлайн-назорат қилинадиган янги авлод профилактика инспектори эгаллади. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олишда сезиларли самара бериши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. (2020).

ПФ–5948-сон Фармони. Президент расмий веб-сайти: <https://president.uz>



2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун (2017 йил 16 сентябрь). <https://lex.uz/docs/3027843>

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 йил 14 май). <https://lex.uz/docs/2387357>

4. Ниматов Ш. Н. ва бошқ. (2025). Ёшлар ва хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишда норматив-ҳуқуқий асослар ва ижтимоий профилактика механизмлари. Образование, наука и инновационные идеи в мире, 79(2), 143–157.

5. Ниматов Шерзод Ниматжонович. (2025). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида КРІ асосида баҳолаш: субъектлар фаолиятининг интеграцияси ва самарадорлиги. Modern Education and Development, 37(2), 214–225.

6. Шавкат Мирзиёев: “Битта бўлса ҳам боламиз йўқолса, биз бефарқ бўла олмаймиз”. Хабар.uz. <https://xabar.uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>

7. Kun.uz сайтидан мақола. <https://kun.uz/kr/56432773>

8. Accountability — Wikipedia. <https://en.wikipedia.org/wiki/Accountability>